



МУАЛЛИФДАН

Бисмиллоҳир Роҳманир Роҳийм.

Қаламга хиёнат қилмай яшамоғимда тўғри йўл кўрсатгучи, ниятларимни амалга оширувимида мадад бергучи, мендайин ожиз гуноҳкор қулига вақтида жазо бериб, вақтида тавбаларимни қабул этиб, гуноҳларимни кечиргучи, улуғ устозларга берган неъматлардан менга-да насиб этгучи Оллоҳ таборак ва таолога шукроналар, ҳамду санолар айтмоқ билан бошлагумдир. Оллоҳнинг мадади ила биринчи китобга сўнгги нуқта қўйганимдан сўнг хийла фурсат ўтди. Асар ўқиғувчига етиб борди. Дашном ҳам, мақтов ҳам эшитиш насиб бўлди. Бу табиий бир ҳол. Ҳеч бир асар барчага баробар маъқул бўлмас. Асарнинг қаеридир бир одамга ёқар, бошқа бировга эса ёқмас. Ёзувчиларнинг асари ҳам бир фарзанд мисолидадур. Алҳол, фарзандингиз бировга хуш ёқар, бошқага эса ёқмас. Танқидларни тинглаб тўғри хулоса чиқаришга интилдим. Бу хусусда мазкур иккинчи китобни ўқиб чиқиб, тайин бир фикрга келарсиз. Учрашувларда кўп таклифлар айтишди, ҳатто илтимослар қилишди. «Елчинни ўлдирманг, шунча кулфат у учун етарли эмасми?», «Асадбекни ўлдирманг...» Шунга ўхшаш гаплар. Мен уларга аниқ жавоб ёки ваъда бера олмадим. Чунки асардаги қаҳрамонларга мен ҳукм чиқармайман. Ҳукм воқеалар ривожига қараб бўлади. Кўпчилик асарда ўзига таниш одамларни кўрибди. «Асадбек фалончимиз?», «Елчин пистончимиз?» деб сўрашди. Азизларим, бу шунчаки бир тасодиф. Ҳаётда ҳам кимдир кимгадир ўхшайди-ку? Бировга ўхшатсангиз ҳам, айнан шу одам, деган қарорга келманг. Ўқий бошлаганингиз мазкур китобда ҳам тасодифларга дуч келсангиз, ажабланманг. Бу асарни ҳам тоқат билан ўқиб чиқишингизда Оллоҳ сизга мадад берсин.

Бисмиллоҳир Роҳманир Роҳийм.

Ал-явма нахтиму ала афваҳиҳим ва тукаллимуна айдиҳим ва ташҳаду аржулухум бима кану яксибуун.*

*Бир дев бор ичимда, асти пинҳон бўлмас,
Бошини эгмак анинг осон бўлмас.
Иймон не эканлигин англатсам ҳам,
Кофир у ашаддий, ҳеч мусулмон бўлмас.
Шайх Нажмиддин Кубро*

* Маъноси будир: Бу кун Биз уларнинг оғизларини муҳрлаб қўюрмиз ва бизга уларнинг қилиб юрган ишлари ҳақида уларнинг қўллари сўзлар ва оёқлари гувоҳлик берур. («Ёсин» сурасининг олтмиш бешинчи ояти. Алоуддин Мансур таржимаси.)